
Марғилонлик Ўзбекистон чемпиони шарафланди

Ўсмирлар ўртасида спортнинг бокс тури бўйича Қашқадарё вилоятида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Марғилон шаҳар 2-сон Спорт мактаби тарбияланувчиси, шаҳардаги 16-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Сатторов Абдурахмон 52 кг вазн тоифасида фахрли 1-ўринни қўлга киритган эди.

Бугун шаҳар ҳокими Марғилон шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон чемпионини ушбу катта ғалаба билан муборакбод этиб, Абдурахмонга келгусида мусобақаларда ҳам юксак ғалабалар ёр бўлишига ишонч билдирди.

2024-05-01 16:56:32